O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● E-mail: xalksuzi@uzpak.uz ● 2004 йил 19 май № 104-105 (3379-3380) Чоршанба





# ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

***Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 18 май куни Оқсаройда Эрон Ислом Республикаси ташқи ишлар вазири Камол Харрозийни қабул қилди.***

— Эрон — катта салоҳиятга эга давлатлардан бири, — деди Ислом Каримов. — Ўзбекистон бу мамлакат билан ҳамкорликни ривожлантиришдан манфаатдордир.

Президент Ислом Каримовнинг ўтган йил июнь ойида Эронга расмий ташрифи чоғида Ўзбекистон, Эрон ва Афғонистон раҳбарлари Халқаро транспорт йўналишлари тўғрисидаги битимга имзо чеккан эдилар. Бу ҳужжат Ўзбекистон учун Форс кўрфазидаги бандаргоҳларга, Эрон учун Марказий Осиё ва МДҲ мамлакатларига чиқадиган йўлни анча қисқартиради. Афғонистонда эса халқ хўжалиги инфратузилмаси яратилишида муҳим омил бўлади. Ислом Каримовнинг ташаббуси билан ишлаб чиқилган ва "Трансафғон йўлаги" номини олган бу улкан лойиҳага кўплаб донор мамлакатлар, Ислом тараққиёт банки ва Осиё тараққиёт банки катта қизиқиш билдирмоқда.

Ўзбекистон ва Эрон савдо-иқтисодий ҳамкорликни жадал ривожлантирмоқда. Ўзаро йиллик савдо ҳажми 300 миллион АҚШ долларидан ошган. Мамлакатимизда эронлик ишбилармонлар билан тузилган элликдан зиёд қўшма корхона фаолият кўрсатмоқда.

Ўзаро алоқаларда транспорт коммуникациялари соҳасидаги ҳамкорлик ҳам муҳим ўрин тутади. Йилига Эрон ҳудуди орқали Ўзбекистонга тегишли ўртача 500 минг тонна юк ташилади. Эроннинг Ўзбекистон орқали ўтадиган юки йилига ўртача 750 минг тоннани ташкил этади.

Ўзбекистон ва Эрон ўртасида ташқи ишлар, қишлоқ хўжалиги вазирликлари, транспорт, ҳаво алоқаси, сайёҳлик идоралари каби доираларда яқин ҳамкорлик қарор топган. Савдо-иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро қўшма комиссия фаолият кўрсатмоқда.

Учрашувда Ўзбекистон — Эрон муносабатлари, Афғонистондаги тикланиш ишлари, минтақавий хавфсизликка оид ва томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан фикр алмашилди.

**(ЎзА).**

**СУРАТЛАРДА: қабул пайти. Д. ЮСУПОВ олган суратлар.**

## ҲУЖЖАТЛАР ИМЗОЛАНДИ

Расмий ташриф билан мамлакатимизга келган Эрон Ислом Республикаси ташқи ишлар вазири Камол Харрозий 18 май куни Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсат маҳкамаси раҳбари Содиқ Сафоев билан учрашди.

Суҳбат чоғида томонлар ўзаро ҳамкорлик кўламини янада кенгайтириш, савдо-иқтисодий, сиёсий алоқаларни ривожлантириш юзасидан фикр алмашди.

Президент Ислом Каримовнинг ўтган йили Эронга ташрифи давомида икки мамлакат ўртасидаги алоқаларни ривожлантиришга доир кўплаб масалалар муҳокама қилинган, қатор ҳужжатлар имзоланган эди. Ташқи ишлар вазирлари мулоқоти чоғида ўша аҳдлашувларни ҳаётга татбиқ этишнинг бориши, алоқаларни янада жадаллаштириш имкониятлари кўриб чиқилди. Томонлар транспорт коммуникацияси соҳасига алоҳида эътибор қаратди.

Вазирлар Ўзбекистон ва Эрон ташқи ишлар вазирликлари ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги ҳамда икки мамлакат ҳукуматлари ўртасида тараққиётга кўмаклашиш бўйича англашув меморандумларини имзолади.

Эрон Ислом Республикаси ташқи ишлар вазири Тошкент ислом университети фаолияти билан танишди, Темурийлар тарихи давлат музейи экспонатларини томоша қилди.

**(ЎзА).**



Олий Мажлисда

***Ёз мавсуми эшик қоқмоқда. Бугун-эрта ўз таътилини юртимизнинг тоғ этаклари, сўлим гўшалари бағридаги оромгоҳларда ўтказувчи болажонлар сафарга отланадилар. Хўш, соғломлаштириш масканлари мавсумга шайми? Қарийб уч ой давом этажак дам олиш даврида оромгоҳларда маънавий-маърифий тадбирлар қандай ташкил этилади?***

## Оромгоҳлар мавсумга шайми?

Кеча Олий Мажлиснинг Ёшлар ишлари қўмитаси ташаббуси билан ўтказилган "Болалар соғломлаштириш оромгоҳларида маънавий-маърифий тадбирларни ташкил этиш" мавзуида бўлиб ўтган семинарда ана шу хусусда гап борди. Уни мазкур қўмита раиси Азамат Зиё олиб борди.

Маълум бўлишича, келаётган ёз мавсумида юртимиздаги 337 оромгоҳда 171 минг нафар болани соғломлаштириш режалаштирилган. Семинарда таъкидланганидек, барча соғломлаштириш масканлари фаолияти мактабдаги ўқув жараёнининг мантиқий давоми бўлиб, болалар ва ўсмирларнинг тарбияси учун энг қулай ва энг самарали жараёндир.

Анжуманда сўзга чиққан нотиқлар таъкидлаганидек, маънавий ишлар шу билангина чегараланиб қолмаслиги жоиз. Чунки оромгоҳларда ташкил этилажак Маънавият хоналари ҳозирги замон талаблари, қолаверса, ўлмас қадриятларимиз ва тарихимизга мос бўлиши шарт. Бундан ташқари, болалар оромгоҳларида фаолият юритадиган педагог ходимларни танлаш ва тайёрлаш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Бироқ шунга қарамай, баъзи оромгоҳларга ўз соҳасини тўлиқ англаб етмаган ходимлар юборилмоқда. Хусусан, ўтган мавсумда Тошкент шаҳри, Жиззах, Бухоро, Самарқанд ва Сирдарё вилоятларидаги болалар дам олиш масканларини тажрибали педагог-мураббийлар, етакчилар билан таъминлаш ишларига панжа орасидан қаралганлиги танқид остига олинди.

Энг ачинарлиси, болаларни соғломлаштириш оромгоҳлари фаолиятини ташкил этиш ҳақида тайёрланган баъзи ўқув-услубий қўлланмалар матнида ҳали-ҳануз таълим тизимидаги эскича андозалардан, жумладан, "дружина", "отряд", "вожатий" каби сўзлардан фойдаланилаётганлигини нима билан изоҳлаш мумкин?

Семинарда йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш борасида тегишли вазирлик, идора ҳамда ташкилот раҳбарларига бир қанча таклиф ва тавсиялар берилди.

**Ф. САНАЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Иқтисодиётнинг пўлат томирлари

***Кеча Олий Мажлиснинг Саноат, қурилиш, транспорт ва алоқа масалалари қўмитасининг "Ўзбекистон темир йўллари" давлат акциядорлик компаниясида кўчма йиғилиши бўлиб ўтди.***

Қўмита раиси И. Кочмарик бошқарган ушбу йиғилишда "Темир йўл транспорти тўғрисида"ги Қонуннинг ижро этилиши масаласи муҳокама қилинди. Унда, даставвал, "Ўзбекистон темир йўллари" ДАТК раиси О. Раматовнинг ҳисоботи тингланди.

Йиғилишда компания томонидан темир йўл тармоғини тубдан ислоҳ қилиш, хизмат кўрсатиш механизмини замонавийлаштириш, мамлакатимиз халқ хўжалигининг юк ва йўловчи ташишга бўлган талабини қондириш бўйича сезиларли ишлар амалга оширилганлиги алоҳида таъкидланди. Айниқса, "Темир йўл транспорти тўғрисида"ги Қонун тармоқ хизматларидан фойдаланувчи юридик ва жисмоний шахслар ҳамда темирйўлчилар ўртасидаги муносабатларда ҳуқуқий асос бўлмоқда.

Соҳани ривожлантириш борасида ўз вақтида кўрилган чора-тадбирлар самарасини бермоқда. Хусусан, кейинги беш йил давомида мамлакатимиз пўлат йўли 500 километрга ошди. Яна шунча узунликдаги магистрал темир йўл капитал таъмирдан чиқарилди. 2002 йилда 341 километрли "Учқудуқ-Нукус" янги темир йўли ишга туширилгани боис, 2003 йилда компаниянинг ишлар ва хизматлар экспортидан келадиган маблағлари ҳажми 2001 йилга нисбатан 2,7 марта ортди. Жорий йилнинг биринчи чорагида Амударё ўзанига қурилган 680 метрли улкан кўприк билан республикамиз шимолий ҳудудида яхлит темир йўл тармоғи вужудга келди.

Йиғилишда муайян ютуқларга қарамай айрим камчилик ва нуқсонлар борлиги ҳам эътироф этилди. Улар темир йўл қонунчилиги асосларини такомиллаштиришни, соҳада ўтказилаётган иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришни тақозо этади. Қўмита бу масалалар ечими юзасидан тегишли қарор қабул қилди.

**Худойберди ЭШМАНОВ,**
**"Халқ сўзи" мухбири.**

## Фермерларнинг замонавий мактаби яратилмоқда

Айни пайтда республикамизда 100 мингга яқин фермер хўжалиги фаолият кўрсатмоқда. Вазирлар Маҳкамасининг ўтган йил якунларига бағишланган мажлисида фермерларни профессионал жиҳатдан тайёрлаш бўйича бизнес мактаблар тармоғини кенгайтириш зарурлиги алоҳида таъкидланганди. Шунга кўра, жорий йилнинг март ойида Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги АҚШнинг Халқаро тараққиёт (USAID) агентлиги билан ҳамкорликда фермерларни тайёрлайдиган уч босқичдан иборат қишлоқ хўжалик дастури ишлаб чиқди. Биринчи босқичга биноан, жорий йилнинг март ойида 12 нафар мутахассис Исроил давлатига бориб, агробизнес соҳасида ҳуқуқий билими, менежментлик ва маркетинг бўйича ўз малакасини ошириб қайтди.

Куни кеча пойтахтимизда ўз фаолиятини бошлаган семинар ушбу дастурнинг иккинчи босқичи ҳисобланиб, унда республикамизнинг турли вилоятларидан таклиф этилган вакиллар таълим олмоқда. Дастурнинг учинчи босқичида эса мазкур семинарда малака оширган мутахассислар жойларга бориб фермерларга агробизнеснинг ҳуқуқий ва иқтисодий жиҳатлари бўйича билим беришади.

**Ҳосил КАРИМОВ,**
**"Халқ сўзи" мухбири.**

# "НЕФТЬ ВА ГАЗ. ЎЗБЕКИСТОН-2004"

***Ўзэкспомарказ"да саккизинчи маротаба ўтказилаётган "Нефть ва газ. Ўзбекистон-2004" (OGU) халқаро кўргазмаси очилди. Мазкур кўргазма ҳар йили Ўзбекистон Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги, "Ўзбекнефтгаз" миллий холдинг компанияси ва Буюк Британиянинг ITE Group Plc компанияси кўмагида ўтказиб келинади.***

Кўргазмада 11 мамлакатдан 60 дан ортиқ компания иштирок этмоқда. Таъкидлаш керакки, бу йил кўргазма майдони сезиларли даражада кенгайтирилди. Бу нефть-газ соҳасидаги сўнгги ютуқларни янада тўларок намойиш этиш имконини беради. Иштирокчилар орасида Uzbekneftgaz, Souzneftegaz, Lukoil, Dresser-Rand, Sofregaz, CGG, FAS, INA, Input/Output, MAN GmbH, ZeroMax LLC, Interpipe, Sercel, MAN turbomaschinen AG, Transcor, Schlumberger, Uzpec Ltd /UK/ каби жаҳон нефть-газ тармоғи вакиллари ва кўплаб бошқа компаниялар бор.

Ўзбекистоннинг миллий стенди ҳамда Россиянинг нефть-газ мажмуи учун ускуналар лойиҳалаштирувчи ва ишлаб чиқарувчи корхоналарига катта жой ажратилган. Кўргазмада "Газпром" /Россия/, "Дуншен" /Хитой/, "ТехИмСнаб" /Россия/ каби 19 та йирик компания илк бор қатнашмоқда.

Кўргазмада нефть ва газни қазиб олиш ҳамда қайта ишлашни жадаллаштиришнинг замонавий технологиялари, муқобил энергия манбаларидан фойдаланиш борасидаги ишланмаларга кенг ўрин берилган. Жаҳоннинг етакчи компаниялари углеводород хомашёсини ташиш, нефть-газ конларини қидириш ва қазиб олишнинг замонавий технологияларини таклиф этмоқда.

Мазкур нуфузли кўргазмани ўтказиш учун Тошкент бежиз танланган йўқ. Негаки, мустақил Ўзбекистон улкан нефть-газ салоҳиятига эга. Мамлакатимизда 190 та углеводород хомашё кони топилган. Шундан 94 таси газ ва газконденсати, 96 таси нефть-газ, нефть-газ конденсати ва нефть конларидир. Конларнинг 47 фоизида хомашё қазиб олиш йўлга қўйилган, 35 фоизи ўзлаштириш учун тайёр, қолганларида эса қидирув ишлари давом этмоқда.

Базавий тармоқларни ривожлантириш Ўзбекистон иқтисодий мустақиллигини таъминлашнинг асосий шартларидан биридир. Президент Ислом Каримовнинг бу ғояси нефть-газ саноатида амалга оширилаётган ислоҳотларда ўз ифодасини топмоқда. Бу соҳада кўплаб йирик хорижий компаниялар Ўзбекистон билан ҳамкорлик қилишга катта қизиқиш билдирмоқда. Улар қўшма корхоналар ташкил этиб, йирик конларни қазиш, нефть ва газни қайта ишлаш корхоналарини қуриш ҳамда маҳаллий хомашёдан тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга кўмаклашмоқда. Шарқий Европа давлатлари ва МДҲ мамлакатлари орасида Ўзбекистон топилган табиий газ захиралари бўйича учинчи, суюқ углеводородлар бўйича эса тўртинчи ўринни эгаллаб турибди. Бугунги кунда республикамизда нефть-газ тармоғи жадал ривожланмоқда. Хорижий компаниялар билан биргаликда амалга оширилаётган қўшма лойиҳалар бунга мисол бўла олади.



2002 йилнинг декабрида "Ўзбекнефтгаз" ва "Газпром" компаниялари ўртасида "2012 йилгача мўлжалланган стратегик ҳамкорлик тўғрисида битим" имзоланган эди. Ушбу ҳужжатга мувофиқ жорий йилнинг апрелида Тошкентда "Ўзбекнефтгаз" ва "Зарубежнефтгаз" ёпиқ акционерлик жамияти /Россия/ ўртасида яна бир битим — "Уст-Юрт нефть-газ ҳудудидаги Шахпахта конида қўшимча қазилма ишлари олиб бориш" инвес-

**(Давоми 2-бетда).**

*Жаҳолатга қарши маърифат билан*

# ЗАМОНА ЗУЛМНИ КЎТАРМАС

ёхуд инсоният кулфати ҳақида

Янги минг йилликда инсоният фан ютуқларидан баҳра олиш, тараққиётнинг янги чўққиларини забт этиш ўрнига жаҳолат ботқоғига ботганлар билан курашишга мажбур бўлмоқда. Кўлами, шафқатсизлиги, тажовузкорлиги ва аянчли оқибатларига кўра терроризм инсоният XXI асрда тўқнашган энг катта офатга айланди. Таассуфки, бу ёвузлик юртимизга ҳам чангал солди — беш йил илгари қалбларимизни яралагани етмагандай, куни кеча ҳам мамлакатимиз аҳолисига кўп кулфатлар келтирди. Ўша кунлари бегуноҳ қурбон бўлганларнинг дардларига шерик бўлдик, ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимларининг жасоратига тан бердик, жойларда турли тадбиру йиғинлар ўтказган бўлдик. Орадан бирмунча вақт ўтиб, яна тинч ҳаётга кўникдик, огоҳлигимиз сусайди, қалбларимизни бамайлихотирлик эгаллади. Бироқ бу ваҳшат аждари дунёнинг турли бурчакларида бош кўтариб, ўлим уруғини сочаётган бир шароитда хотиржам бўлишга ҳақлимизми? Президентимиз Ислом Каримовнинг Олий Мажлис минбаридан ташвишли оҳангда, куйиниб айтган гаплари бизни яна ҳам сергак торттирди: **«Ҳозирги вақтда терроризмнинг тажовузидан ўзини холи ҳис қиладиган бирорта қитъа ёки давлатнинг ўзи йўқ. Худди вабо сингари ер юзининг кўплаб мамлакатларига ёйилиб бораётган бу бало-қазо эртага кимни нишонга олишини ҳам олдиндан айтиш қийин»**. Бундай огоҳлантириш терроризмнинг жирканч моҳиятини очиб ташлаш ниятида қўлимизга қалам ушлатди.

### Террорнинг қонли қиёфаси

Терроризмга кўп таърифлар берилган. Бу таърифлар унинг манфур басарасини очиб беришга хизмат қилади. Лекин бир туркум таърифлар борки, улар бу касофатнинг «ички дунёси»ни очиб беради. Бу таърифлар инсонни чуқур ўйга толдиради. Ва шу баробарида террор ҳақидаги даҳшатли ҳақиқатни яланғочлаб қўяди. Масалан, Франция Фанлар академияси XVIII асрда чоп этган луғатида терроризмни «қўрқитиш тизими» деб таърифлайди. Бошқа гуруҳ олимлар терроризмни «ҳаракат орқали тарғибот» (!!!) деб атайдилар. Айрим манбаларда эса терроризмга «қўрқитиш сиёсати» дея нисбат берилади. Кўриниб турибдики, террор ва қўрқув – эгизак тушунчалар. Инсонларни қўрқитишдан мақсад эса жамиятда ваҳима ва саросима, парокандалик ва беқарорлик келтириб чиқаришдир. Демак, аҳолида зўравонлик олдида ҳимоясизлик ҳиссини туғдириш терроризмнинг асосий хусусиятидир.

Таъкидлаш жоизки, терроризм кутилмаган шаклларни олмоқда, террор усуллари ҳам «бойиб бормоқда». Мантиққа зид бўлса-да, жоҳиллар қуроли бўлмиш терроризм фан-техника ютуқларидан "самарали" фойдаланмоқда. Бир мисол келтирайлик. Интернет саҳифаларида 7000 бетлик(!) «Жиҳод энциклопедияси»нинг пайдо бўлганлиги туфайли портловчи воситаларни ошхонада ҳам тайёрлаш мумкин бўлиб қолди. Чунки бу саҳифаларда биологик қуролдан қандай фойдаланиш ёки шаҳидлик камарини тайёрлаш каби масалалар бўйича «қимматли» кўрсатмалар берилган. Интернет тармоғидан ўрин олган яна бир электрон асарнинг (асар дейишга тилинг бормайди) номига эътибор беринг: «Зарарли маслаҳатлар ёки террорчи учун қўлланма». Изоҳга ҳожат бўлмаса керак. Замонамизда интернетдан фойдаланувчилар сонининг ортиб бораётганини тараққиёт белгиси деб қувонсак, номининг ўзи одамни сескантирадиган бундай саҳифаларнинг пайдо бўлаётганини тараққиётнинг аччиқ мевалари деб баҳолашдан ўзга иложимиз йўқ.

Янги аср терроризми тажовуз объектларини танлашга ҳам янгича ёндошмоқда. Қурбонлар сонининг кўп бўлишини тилаб, террорчилар мураккаб коммуникацияларни асосий нишон қилиб танламоқдалар. Юқорида тилга олинган WEB-саҳифаларда кўплаб қурбонлар ва талофат келтириб чиқарадиган объектлар — атом электростанциялари, осмонўпар бинолар, портлар, вокзаллар, метро бекатларидан нишон сифатида фойдаланиш тавсия этилган. Баъзан террорчилар ўз ёвузликларига нишон қилиб иншоотларни эмас, маълум тоифа кишиларни, айрим миллат вакилларини танлайдилар. Бунда террорчилар кимнинг жонига қасд қилаётганига қараб — у яҳудий бўладими ёки ҳуқуқ-тартибот идорасининг ходими, давлат раҳбарими ёки жаҳон иқтисодини тебратаётган мутахассис, хуллас, шунга қараб ҳам уларнинг асл мақсадларини билиш мумкин.

Таассуфки, бугунги кунда террор уруш олиб боришнинг энг кўп тарқалган ва таъсирчан турига ҳам айланиб қолмоқда. Террористик уруш раҳнамолари: «Тинч шароитда бир кишини ўлдириш жангда юзта аскарни ўлдиришдан кўра самаралироқ. Чунки биринчи ҳолат ўзига кўпроқ эътиборни тортади», деб ҳисоблашади. Бу гап ҳам изоҳ талаб қилмайди. Шафқатсизлик, юксак даражада мафкуралашганлик, яхши қуролланганлик, ҳарбий

**(Давоми 2,3-бетларда).**

назорати тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган ваколатларни амалга ошириши учун зарур ҳужжатларни, ёзма ва оғзаки шаклдаги тушунтиришлар ҳамда бошқа ахборотни тақдим этиши;

олиб чиқилаётган товарлар, асбоб-ускуналар, илмий-техника ахбороти, ишлар ва хизматлар, интеллектуал фаолият натижалари ҳақида, агар улар экспорт назорати объектлари рўйхатларига киритилмаган бўлса ҳамда улардан ялпи қирғин қуроли ва уни етказиб бериш воситаларини, қурол-яроғ ҳамда ҳарбий техниканинг бошқа турларини яратиш учун фойдаланиш эҳтимоли тўғрисида маълумотлар мавжуд бўлса, ваколатли органни хабардор қилиши шарт.

**13-модда. Экспорт назорати соҳасидаги халқаро ҳамкорлик**

Экспорт назорати соҳасидаги халқаро ҳамкорлик Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари ва халқаро мажбуриятларига мувофиқ амалга оширилади.

**14-модда. Экспорт назоратини амалга ошириш учун тақдим этилган ахборотдан фойдаланиш**

Экспорт назоратини амалга ошириш учун давлат органларига тақдим этилган ахборотдан фақат экспорт назорати мақсадида фойдаланилади.

**15-модда. Низоларни кўриб чиқиш**

Экспорт назорати соҳасидаги низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал қилинади.

**16-модда. Экспорт назорати тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик**

Экспорт назорати тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

---

*Қонун лойиҳасига доир таклиф ва мулоҳазаларни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Иқтисодиётни ислоҳ қилиш масалалари ва тадбиркорлик қўмитасига қуйидаги манзилга юборишингизни сўраймиз:*

*700035, Тошкент шаҳри, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси.*

*Телефонлар: 139-87-90, 139-81-05.*

8

Буклаш чизиғи



*Лойиҳа*

*Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ*

**ЭКСПОРТ НАЗОРАТИ ТЎҒРИСИДА**

**«Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталари 2004 йил**

Қирқиш чизиғи

тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

**3-модда. Асосий тушунчалар**

Ушбу Қонунда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

**етказиб бериш воситалари** – ракеталар ва ялпи қирғин қуролини етказиб беришга қодир бошқа техника воситалари;

**экспорт назорати** – юридик ҳамда жисмоний шахслар томонидан экспорт назорати объектларини Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан олиб чиқишнинг (бундан буён матнда экспорт назорати объектларини олиб чиқиш деб юритилади) экспорт назорати тўғрисидаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибини таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар мажмуи;

**экспорт назорати объектлари** – ўз хосса ҳамда хусусиятларига кўра ялпи қирғин қуроли ва уни етказиб бериш воситаларини, қурол-яроғ ҳамда ҳарбий техниканинг бошқа турларини яратишда фойдаланилиши мумкин бўлган товарлар, асбоб-ускуналар, илмий-техника ахбороти, ишлар ва хизматлар, интеллектуал фаолият натижалари;

**ялпи қирғин қуроли** – ядровий, кимёвий, бактериологик (биологик) ва заҳарловчи қурол.

**4-модда. Экспорт назоратини амалга оширишнинг асосий принциплари**

Экспорт назоратини амалга оширишнинг асосий принциплари қуйидагилардан иборат:

Ўзбекистон Республикаси хавфсизлиги манфаатларининг устуворлиги;

Ўзбекистон Республикасининг ялпи қирғин қуроли ва бошқа турдаги қурол-яроғларни тарқатмаслик соҳасидаги халқаро мажбуриятларининг бажарилишига виждонан ёндашув;

экспорт назорати механизмининг халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган нормалари билан уйғунлаштирилганлиги;

экспорт назорати масалаларига доир ахборотнинг ошкоралиги ва барча учун очиқлиги.

**5-модда. Экспорт назоратини амалга ошириш усуллари**

Экспорт назорати қуйидагилар воситасида амалга оширилади:

4

Буклаш чизиғи

экспорт назорати объектларини олиб чиқиш тартибини белгилаш;

экспорт назорати объектларини олиб чиқиш ва улардан фойдаланиш тартиби устидан назорат ўтказиш;

экспорт назорати объектларининг рўйхатини эълон қилиш;

ички назорат ўтказиш;

экспорт назорати соҳасида халқаро ҳамкорлик қилиш.

**6-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг экспорт назорати соҳасидаги ваколатлари**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

экспорт назорати соҳасидаги давлат сиёсати амалга оширилишини таъминлайди;

экспорт назорати объектларини олиб чиқишга рухсатнома бериш тартибини белгилайди;

экспорт назорати объектлари рўйхатларини тасдиқлайди;

Ўзбекистон Республикаси хавфсизлигини ҳамда Ўзбекистон Республикасининг халқаро мажбуриятлари бажарилишини таъминлаш мақсадида экспорт назорати объектларининг олиб чиқилишига, шу жумладан айрим чет давлатларга олиб чиқилишига нисбатан чеклашлар ва тақиқлар жорий этади;

ички назоратни амалга ошириш тартибини белгилайди;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

**7-модда. Экспорт назорати соҳасидаги ваколатли давлат органи**

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги экспорт назорати соҳасидаги ваколатли давлат органидир (бундан буён матнда ваколатли орган деб юритилади).

Ваколатли орган:

экспорт назорати соҳасидаги давлат сиёсатини амалга оширади;

экспорт назорати тўғрисидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштиришда иштирок этади;

экспорт назорати соҳасида давлат органларининг фаолиятини мувофиқлаштиради ва ўзаро ҳамкорлигини таъминлайди;

экспорт назорати объектларини олиб чиқиш ҳамда

5

***Мустақил, эркин, фаровон ва албатта, бозор иқтисодиётига асосланган жамият барпо этаётганимизни ҳар қадамда ҳис қилиш мумкин. Бу барча йўналишда, айниқса мамлакат банк тизими ривожидаги вужудга келтирилган соғлом рақобат муҳитида ўз аксини топмоқда. Собиқ иттифоқ тузумида банк фақат якка ҳоким бўлган партия манфаатларига бўйсунар эди. Айни кунда эса банкларимиз қонунларга, мамлакат, миллат ва мижоз манфаатларига хизмат қилмоқда.***

# Мижоз манфаати — муқаддас

Мустақиллик меваларидан бири ҳисобланган бу ижобий ҳолатни депозит бозорида аҳоли жамғармалари сақланиши давлат томонидан кафолатланган ягона банк — Халқ банки фаолияти мисолида яққол ҳис қилиш мумкин. Ушбу ўсиш-ўзгариш бевосита Халқ банкининг Қорақалпоғистон Республикаси филиалига, унинг жойлардаги муассасаларига ҳам тааллуқлидир. Филиалимиз Қорақалпоғистон Республикасининг бутун ҳудудини — Нукусдан тортиб, олис Нисон яйловларигача, Тўрткўлдан Тахтакўпиргача, Қораўзакдан Қўнғиротгача, барча шаҳар ва қишлоқларни қамраб олган. Фаолият кўрсатаётган 168 та шохобчанинг барчасида банк хизматининг бугунги талаблари даражасида иш ташкил этилган. Мижозларга замонавий хизмат турларидан «Сезам» сейфлари, халқаро пул жўнатиш ёки қабул қилиб олишнинг «Вестерн Юнион» тизимидан фойдаланиш имконияти яратилди.

Ўтган 2003 йил филиалларимиз учун ўзига хос тараққиёт мавсуми бўлди. Мазкур йил бошида омонатчилар сони 400 мингга яқин кишини ташкил этган бўлса, ҳозир бу кўрсаткич 450 мингдан ошиб кетди. Янги омонат турларига аҳолининг бўш пул маблағларини жалб этишда муҳим қадамлар қўйилди. Жумладан, банкнинг «Наврўз совғаси», «Даромад», «Ишонч», «Хазина», «Имконият» каби омонат турларига аҳолининг қизиқиши катта. Банкимиз фаолиятида бугунги кун нафаси, руҳи сезилмоқда. 2004 йил Меҳр ва мурувват йили деб эълон қилиниши муносабати билан жорий қилинган янги «Меҳр» омонат турига 100 миллион сўмга яқин маблағ жалб этилди. Мижозларимизнинг биз учун муқаддас бўлган манфаатлари улар банкимизга қўйган омонатларида кафолатланади. Ва бу ўринда омонатчилар сони ва миқдорининг ошиши жамиятимизнинг тобора фаровонлашиб бораётганидан дарак беради. Чунончи жорий йилнинг биринчи чорагида банк муассасаларидаги омонат қолдиғи 1,5 миллиард сўмдан ортиб, ҳозирда 2 миллиард сўмга яқин миқдорни ташкил этмоқда.

Фаолиятимизнинг бир жиҳатини алоҳида қайд қилишимиз керакки, мижозларимиз манфаатларида жамиятимиз манфаатлари уйғунлашгандир. Қорақалпоғистон аграр республика бўлгани учун бу йил асосий тармоқ — пахтачиликда туб бурилишга эришиш чоралари кўрилмоқда. Филиалимиз бу кенг кўламли ҳаракатдан четда тургани йўқ. Айни пайтда кузда кўтариладиган баракали хирмон тақдири фермерларимизнинг фидойилигига боғлиқ. Ана шундай фермерларнинг бир нечтасига 7 та минибанк хизмат кўрсатмоқда.

Филиалимиз Қорақалпоғистон Республикасида мулкдорлар синфини шакллантиришга баҳоли қудрат ҳисса қўшмоқда. Ҳозирги кунда берилган умумий кредит портфелининг 71 фоизи кичик бизнес ва хусусий тадбиркорларга берилган кредит миқдорига тўғри келмоқда. Ажратилган кредитлар эвазига фақатгина сўнгги 6 ой мобайнида 300 га яқин янги иш ўрни очилди. Айниқса, аёлларни иш билан таъминлашда микрокредитлар қўл келмоқда.

Халқ банки халқ ҳаётида юз бераётган ижобий ўзгаришларда фаол иштирок этмоқда. Кейинги пайтда мамлакатимизда болалар спортини ривожлантиришга алоҳида аҳамият берилмоқда. Филиалимиз мазкур масала ечимига, билвосита бўлса-да, ўз улушларини қўшмоқда. Мисол учун Амударё филиали орқали «304-ПМК» масъулияти чекланган жамиятга қурилиш учун кредит ажратдик. Мазкур жамоа у ерда дунёнинг замонавий спорт иншоотларидан қолишмайдиган улкан стадион қурмоқда. Эртага бу ажойиб спорт масканида минглаб ўғил-қизларимиз жисмоний тарбия билан шуғулланадилар. Ажратилган кредитлар негизида теннис кортлари, сузиш бассейнлари, бадиий гимнастика заллари, миллий кураш иншоотлари қурилаётганидан хурсандмиз.

Бугунги кунда Оролбўйи ҳудудида экологик вазиятни, санитария аҳволини, аҳолининг турмуш даражасини яхшилаш бўйича катта ишлар бажарилмоқда. Ирригация тадбирлари ана шу ҳаракатнинг бир бўлаги ҳисобланади. Банкимиз мижози бўлган «Оролбўйиқурилиш» акциядорлик жамиятига ажратилган кредит эвазига Нукус туманида оқар сувдан фойдаланишни яхшилаш юзасидан йирик лойиҳанинг ижроси таъминланди.

Халқ банки зиммасида ўнлаб турдаги кундалик вазифалар бор. Мен бу ўринда ҳар куни минглаб оилаларга берилаётган нафақалар, ойлик маошлари, қанчадан-қанча омонат турлари ёхуд қабул қилиб олинадиган коммунал тўловларни назарда тутмоқдаман. Биз, бу ишлардан ташқари, юридик мақомга эга бўлган кўплаб мижозларимизнинг молиявий аҳволини яхшилашга кўмаклашмоқдамиз. Мисол учун «Қорақалпоқгаз» корхонасига дебитор қарзлари бўйича факторинг операцияларини амалга оширдик. Хўжайлидаги ғишт заводининг иқтисодий аҳволини яхшилаш мақсадида факторинг муомалалари йўлга қўйилди. Қораўзак туманидаги О. Дўстназаров номли ва «Маданият» ширкат хўжаликларига ҳам айнан шундай ёрдам берилган.

Ҳозирги кунда филиал муассасалари иш фаолияти тубдан қайта кўриб чиқилди. Бу борада малакали банк ходимларини тайёрлаш, уларни жой-жойига қўйиш ҳамда банк ичида малакали мутахассислар ҳисобига тажриба мактабларини вужудга келтиришга урғу бермоқдамиз. Вазирлар Маҳкамасининг «Банк тизимини ислоҳ қилишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори бу йўналишда дастуриламал бўлмоқда. Энг муҳими, биз мижоз банкка эмас, банк мижозга хизмат қилиши керак, деган мезонга таяниб, уларнинг ишончини оқлашга ҳаракат қилаверамиз.

**З. СУЛТОНОВА,**
**Халқ банки Қорақалпоғистон Республикаси филиали бошлиғи.**

«ҲИМОЯ – ҲУҚУҚИЙ МАРКАЗИ» АДВОКАТЛИК ФИРМАСИ
ТЎЛОВ — НАТИЖА БЎЙИЧА!
ҲУҚУҚИЙ ЁРДАМ КЎРСАТАДИ:
дебиторлик қарзларини ундириш;
ҳар қандай хўжалик низоларини кўриб чиқиш;
корхоналарга юридик хизмат кўрсатиш;
шартномалар ва импорт контрактлар экспертизаси;
суд қарорларини ижро этиш;
корхоналарни тезкор рўйхатдан ўтказиш ва қайта рўйхатдан ўтказиш.
HIMOYA
ХИЗМАТЛАР ЛИЦЕНЗИЯЛАНГАН.
Телефонлар: Тошкент ш., (371) 133-11-13, 137-13-43, 175-63-72.
Бухоро ш.: (365) 223-63-72, 223-68-85. Самарқанд ш.: (3662) 35-76-15.
e-mail: himoya@sarkor.uz

«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.
9.00 дан 18.00 гача
136-09-25
132-10-63
242-хона

Силлиқ оқ (мелованная), ёрлиқ (этикеточная), крафт, газета, офсет
ҚОҒОЗЛАРИ
СОТИЛАДИ.
Тел.:119-88-74.

# КЎТАРМАС

## *ёхуд инсоният кулфати ҳақида*

даги ёвузликларнинг иқтисодий сабабларини ахтараётганлар террористик хуруждан кейин иқтисодиётда катта силжишлар бўлишидан умидвор бўлсалар?! Аксинча, бундай хуружлар хавфсизлик тузилмаларининг кучайишига олиб келиши мантиққа яқинроқ эмасми? Аҳмад Қодировга суиқасд қилинган куниёқ Россия Президенти В.Путин Чеченистондаги куч тузилмаларида хизмат қилаётганларнинг сонини кескин ошириш ҳақида топшириқ берганлиги бунинг яққол мисоли эмасми?

Террорчиларнинг хуружларига йўлиққан давлатларда яна бир ҳолат кузатилади. Бундай пайтларда «эркинликми ёки хавфсизлик?» танлови сўзсиз хавфсизлик фойдасига ҳал қилинади. Аслида, демократик давлатларда терроризмга қарши кураш ниҳоятда қийин кечади. Бир томондан, давлат ўз фуқароларини террористик хуружлардан ҳимоялаши зарур бўлса, иккинчи томондан фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини чекламаслик талаб этилади. Бундай "икки ўт орасида қолган" давлат жамиятда кўп асрлар давомида қарор топган демократик қадриятлардан бироз чекинишга мажбур бўлади. Боз устига, демократиянинг сўз эркинлиги, бошқарув шаффофлиги каби тамойиллари ҳам сиёсатчилар ва давлат арбобларини террор олдида ҳимоясиз қилиб қўяди. Айнан сиёсатдаги шаффофлик туфайли террорчи ўзи учун қимматли бўлган ахборотни олади: давлат арбобининг қаерда бўлишини олдиндан билади. Сўз эркинлиги туфайли эса террорнинг қўрқинчли манзаралари ҳар бир хонадонга кириб бориб, кишиларни янада кўпроқ қўрқув ва саросимага солиши мумкин.

### Террорнинг текин рекламаси

Эътиборлиси шундаки, террор туфайли берилган қурбонлар, талофатлар ва моддий зарардан кўра, унинг жамиятдаги акс-садоси, маънавий зарари кўпроқ. Чунки аслида терроризм руҳий таъсир кўрсатиш воситасидир. Унинг асосий объекти — террор қурбони бўлган кишилар эмас, балки террордан омон қолганлар ҳисобланади. Зеро, террорнинг асл мақсади — ўлдириш эмас, балки тирикларни ваҳимага солиш ва уларни руҳий тушкунликка туширишдир. Қурбонлар — қурол, ўлдириш – усул, қўрқитиш – мақсаддир. Шу жиҳатлари билан терроризм бошқа қўпорувчилик ҳаракатларидан тубдан фарқ қилади.

Ана шу фикрдан келиб чиқадиган бўлсак, терроризмнинг оммавий ахборот воситалари фаолияти билан чамбарчас боғлиқлигини кўрамиз. «Замонавий терроризм – телевидениенинг туғишган иниси», деб бонг ураётганларнинг ҳам гапида жон борлигини тушунасан, киши. Дарҳақиқат, агар телевидение даҳшатли террористик хуруж тўғрисидаги ахборотни ҳар бир хонадонга етказмаганида эди, террор маъно-мазмунини йўқотган бўлар эди. Шу маънода оммавий ахборот воситалари террорга қарши курашда қудратли куч сифатида майдонга чиқиши ҳам, ёки, аксинча, қўрқув уйғотишда террористларнинг «шериги»га айланиб қолиши ҳам мумкин. Яъни, оммавий ахборот воситаларининг даҳшатни эфирга узатиши уларга ёрдам бериш билан тенгдир. Террорнинг «ғоявий оталари» ҳам телевидениенинг таъсир кучини ва журналистларнинг шов-шувга ўчлигини яхши билганликларидан уларнинг «кўмак»ларидан усталик билан фойдаланмоқдалар. Бошқача айтганда, оммавий ахборот воситалари террор деб аталмиш қўрқитиш тизимининг ажралмас бир бўғинига айланмоқда.

Террорчилар ўз ғояларини тарғиб қилишда ҳам оммавий ахборот воситаларидан устомонлик билан фойдаланмоқдалар. Айрим лақма журналистлар эса террор мавзусидан ўз тиражларини кўпайтириш ва аудиторияларини кенгайтириш мақсадида фойдаланмоқдалар. Ваҳоланки, террорчи гуруҳлар ҳақида гапириш нафақат бу гуруҳларнинг рекламасига ишлайди, уларнинг машҳурлигини оширади, мақсадларини кенг оммага ёяди, балки бу экстремистик гуруҳларга янги тарафдорларни жалб қилиш учун шароит яратади. Масаланинг бошқа томони ҳам бор. Терроризмга қарши курашда оммавий ахборот воситаларига ниҳоятда муҳим масъулият юкланади. У ҳам бўлса, бу курашнинг жамоатчилик томонидан қўллаб-қувватланишига эришиш, кишиларни бу балога қарши курашга чақиришдир. Шунинг учун терроризмга қарши уруш эълон қилган давлатларда чуқур ва ҳар томонлама ўйланган, мувозанат сақланадиган ахборот сиёсати олиб бориш талаб этилади.

### Терроризм ва цензура

«Цензура» сўзининг ўзи кишида ёқимсиз туйғулар уйғотади. Демократия цензурани истисно қилади. Лекин айрим шароитларда цензура терроризмга қарши курашнинг самарали ва муҳим воситасига айланади. Мисол қидириб, узоққа бормаймиз. АҚШдаги 11 сентябрь воқеалари бу мамлакатда ҳарбий цензурани киришга мажбур қилди. Энг эрксевар мамлакатда ахборот назорат остига олинди. Кейинчалик Афғонистон ва Ироқда ўтказилган ҳарбий операцияларда ҳам бу чора қўлланилди: журналистларга ахборотни фақат ҳарбийлардан олиш мажбурияти юклатилди, ҳарбий ҳаракат ҳудудларида журналистлар фаолияти учун қатъий қоидалар ўрнатилди. Яъни, ҳарбий ҳаракатларнинг боришини ёритаётган журналистлар Пентагон томонидан ташкил этилган гуруҳлар таркибидагина силжишлари мумкин эди. Пентагонга нафақат АҚШда, балки ҳарбий ҳаракатлар олиб борилаётган ҳудудларда ҳам цензурани амалга ошириш ваколати берилди. Бошқа ахборот манбаларини қидирган, фронт чегарасидан ўтган журналистлар эса шафқатсиз жазоландилар – улар ишдан бўшатилдилар.

CNN журналисти Питер Арнеттнинг тақдири бунинг ёрқин мисолидир. Форс кўрфазидаги урушни ёритиб боришда у ироқлик мансабдорларнинг биридан интервью олиб, С.Ҳусайн режими ҳақида ижобий ахборот тарқатади. АҚШда оммавий ахборот воситалари мустақил бўлгани учун ҳукумат бу журналистга нисбатан ҳеч қандай чора кўра олмас эди. Лекин телекомпания раҳбарлари уни миллат манфаатларига зид ахборот тарқатишда айблаб, ишдан ҳайдадилар. Ҳатто томошабинларга ҳам АҚШ душманларини кимнингдир кўкларга кўтариб мақтагани хуш келмади. Арнетт кўчада қолди.

Энг асосийси, 11 сентябрь воқеаларидан кейин АҚШда цензуранинг киритилиши фуқароларда ҳеч қандай эътироз туғдирмади, улар томонидан сўз эркинлигининг бўғилиши деб баҳоланмади. Чунки олов исканжасидан сақланиб, осмонўпар бинолардан ўзини ўлимга ташлаётганларни кўришга америкаликларнинг кучи ҳам, ҳуши ҳам йўқ эди. Минглаб мурдаларнинг қонга ботган қиёфаларини эфирга узатиш шусиз ҳам руҳий шикасталанган халқнинг ғам-ғуссасини кучайтириб юбормасмиди?

Америка тажрибаси бизда юз берган хунрезликларни ёритишда журналистларимиз тўғри йўлни танлаганликларини кўрсатади. Гарчи айрим «эркин» журналистлар «Ўзбекистондаги террористик хуружлар тўғрисида тезкор ва батафсил ахборот берилмаяпти», дея айюҳаннос солган бўлсалар-да, бузғунчиликлар ҳақидаги маълумотни республика Бош прокуроридан олиш тавсия этилди. Террорчиларни ҳаттоки «инсон ҳуқуқларининг ҳимоячилари» деб аташдан тоймаётган журналистлар эса, табиийки, бу чорани цензура деб баҳолашга шошилдилар. Балки буни ўзига хос цензура деб ҳам аташ мумкиндир. Цензурани фақат уруш шароитида киритиш мумкин, деган иддаолар ҳам тўғридир, эҳтимол. Лекин Ўзбекистонда ҳам ўша кунлари терроризмга қарши росмана уруш эълон қилинмаганмиди? Агар сўз эркинлигининг бундай чекланиши фуқароларнинг хавфсизлигини таъминлашга хизмат қилган бўлса-чи? Одамларнинг юрагига ваҳима солиш ва парокандалик келтириб чиқаришнинг олдини олган бўлса-чи? У ҳолда бу чорадан норозилар кимнинг тегирмонига сув қуяётган бўлади?

Яна бир омил билан ҳам ҳисоблашмай иложимиз йўқ. Терроризм билан бот-бот тўқнашаётган журналистларда ўзига хос ички цензура ҳам шаклланган. Душман тараф ҳақида ортиқча маълумот бермаслик (уларнинг ғояларини билиб-билмай тарғиб қилиб қўйишдан Оллоҳ асрасин!), қонли манзараларни илож қадар кўрсатмаслик, зарарли таъсир ва эҳтирослардан тозаланган ахборотни бериш — ана шу ички цензуранинг кўринишларидир. Бу цензурани инсон эмас, журналистнинг ахлоқи, виждони ва фуқаролик бурчи ўрнатади.

### Террорчининг "йўлчи юлдузи" ёхуд

*тентаклар ва мурдаларгина фикрларини ўзгартирмайдилар*

Терроризм муаммосини ҳал қилиш ниҳоятда мураккаб. Бу муаммонинг ечими тегишли қонунлар қабул қилишни, терроризмни молиявий манбаларидан узиб қўйишни, террорчилар қўлини қурол-яроғга етмайдиган қилиб қўйишни, қўпорувчиларнинг панагоҳларини фош этишни, бу офат қаршисида давлатларнинг бирлашишини тақозо этади. Бироқ фақат куч ишлатиш йўли билан терроризмни енгиб бўлармикан? Албатта, йўқ. Терроризмга қарши курашишнинг энг самарали йўли, бу офатни таг-томири билан қўпориб ташлашнинг ягона чораси — терроризмни унинг мафкуравий пойдеворидан маҳрум қилишдир. Таассуфки, терроризмга қарши курашнинг айнан шу жабҳаси кўпинча эътиборимиздан четда қолмоқда. Ваҳоланки, айнан жаҳолат мафкураси кишиларни тўғри йўлдан адаштиради, террорни ғоявий жиҳатдан озиқлантиради. Айнан сохта ғоялар террорчиларнинг ҳар қандай разилликларини «оқлаш»га хизмат қилади, террор ижрочиларини ўлимга тик боришга ундайди. Айнан қонли мафкура бегуноҳларни ўлдиришни муқаддас бурч деб тушунтиради, қон тўкилишини адолатнинг тикланиши деб баҳолайди.

Демак, терроризмни енгиш учун ҳарбий қуролдан, кучдан эмас, балки ақлий қуролдан, ғоядан фойдаланиш кўпроқ самара беради. Бунинг учун террорни оқловчи қарашларнинг манфур моҳиятини фош этиш, бузғунчи ақидаларнинг соғлом ақлга сиғмаслигини кўрсатиш, яшил байроқ остидаги қотилликлар аслида ҳокимият илинжидаги доҳийбаччаларнинг ўйини эканини исботлаш зарур. Айниқса, ғўрлиги туфайли сохта ақидаларга эргашиши мумкин бўлган ёшларга нисбатан бу борада пухта сиёсат олиб бориш зарур. Ўрнида бир мисол келтирсак. Юртимизда рўй берган хунрезликларга муносабат шаклида уюштирилган кўрсатувда обрўли бир олийгоҳнинг раҳбарларидан бири ёшларнинг тарбияси ҳақида гапирди. Талабалар орасида олиб бориладиган тарғибот-ташвиқот ишларининг таъсирчанлиги кескин оширилгани ҳақида мақтаниб, «бизнинг олийгоҳда терроризм бўйича тренинг ўтказилди» деб баралла айтди. Оддийгина «тренинг» сўзининг маъносини билмаслик оқибатида мудҳиш бир нарса ҳақида гапираётганини тушуниб етмаган ва терроризм бўйича тренингни илғор услуб деб бошқаларга «ўрнак» бўлаётган раҳбарлар ҳамда бу гапларни эфирга узатган мутасаддилар ғоявий курашни бошқаришга маънавий ҳақлимиканлар, деган савол туғилади.

Терроризмга ғоявий зарба беришда жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш лозимлигини ҳам унутмаслигимиз керак. Қолаверса, ҳаётимизда йўл қўйилаётган камчиликлар, айрим муаммолар ҳақида очиқ-ойдин гапирмаслигимиз ақидапарастларнинг тилларини беш қарич қилиб қўйиши мумкинлигини эътибордан қочирмаслик лозим. Бир сўз билан айтганда, терроризмга қарши ахборот уруши эълон қилишимиз, мафкуравий курашда жоҳил ёвга ютқазиб қўймаслигимиз талаб этилади.

### Сўнгсўз

Хавотир ва ташвишга яна бир асос бор. У ҳам бўлса — одамзоднинг хунрезликларга кўникиб қолаётганидир. Ўзининг террор ўчоқларидан йироқда бўлишига умид қилиб, жони омон қолишидан хотиржамликка берилишидир. Лекин терроризм таҳдиди тобора кучайиб бораётган бугунги кунда бу офатга қарши курашда ҳеч ким томошабин бўлиши мумкин эмас. Терроризмга қарши уруш эълон қилинган бугунги кунда ҳар биримиз тинчлик учун курашчи бўлишимиз керак. Сиёсатчими ёки ҳуқуқшунос, уй бекасими ёки журналист, новвойми ёки ўқитувчи – бундан қатъи назар террорга қарши кураш тизимида ҳар бир киши ўз ўрнини топмоғи лозим. Зеро, Президентимиз таъбири билан айтганда, **«бу машъум офат мени четлаб ўтади ёки сен менга тегма – мен сенга тегмайман, деган хомхаёлларнинг умри узоқ бўлмайди»**.

**Нигора УМАРОВА,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси доценти.**

улардан фойдаланиш тартиби тўғрисида юридик ва жисмоний шахсларни хабардор қилиш ишларини бошқа давлат органлари билан биргаликда ташкил этади;

экспорт назоратини амалга ошириш учун зарур ҳужжатларни ва бошқа ахборотни талаб қилади ҳамда олади;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

**8-модда. Экспорт назорати объектларини олиб чиқиш ва улардан фойдаланиш тартиби**

Экспорт назорати объектларини олиб чиқиш ва улардан фойдаланиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгилайдиган тартибда ваколатли орган томонидан бериладиган рухсатномалар асосида амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган ҳолларда, экспорт назорати объектларини олиб чиқиш экспорт назорати объектларини олувчи чет давлатнинг ва (ёки) чет давлат юридик ҳамда жисмоний шахсларининг мазкур объектлардан ялпи қирғин қуроли ва уни етказиб бериш воситаларини, қурол-яроғ ҳамда ҳарбий техниканинг бошқа турларини яратиш мақсадида фойдаланилмаслиги тўғрисида ёзма мажбурияти бўлган тақдирда амалга оширилади.

Ваколатли орган, қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолларда, экспорт назорати объектларини олиб чиқишга рухсатнома бераётганда қўшимча талаблар қўйиши мумкин.

**9-модда. Экспорт назорати объектларини олиб чиқиш ва улардан фойдаланиш тартиби устидан назорат**

Экспорт назорати объектларини олиб чиқиш ва улардан фойдаланиш тартиби устидан назорат қуйидагиларни ўз ичига олади:

экспорт назорати объектларини олиб чиқишдаги божхона назорати;

олиб чиқилаётган товарлар, асбоб-ускуналар, илмий-техника ахбороти, ишлар, хизматлар, интеллектуал фаолият натижаларининг экспорт назорати объектлари рўйхатларига киритилган экспорт назорати объектларига мувофиқ эканлигини аниқлаш;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган ҳолларда, олиб чиқилаёт-

6

Буклаш чизиғи

*Лойиҳа*

*Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ*

# ЭКСПОРТ НАЗОРАТИ ТЎҒРИСИДА

**1-модда. Ушбу қонуннинг мақсади ва асосий вазифалари**

Ушбу Қонуннинг мақсади экспорт назорати соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

Ушбу Қонуннинг асосий вазифалари ўз хосса ҳамда хусусиятларига кўра ялпи қирғин қуроли ва уни етказиб бериш воситаларини, қурол-яроғ ҳамда ҳарбий техниканинг бошқа турларини яратишда фойдаланилиши мумкин бўлган товарлар, асбоб-ускуналар, илмий-техника ахбороти, ишлар ва хизматларни, интеллектуал фаолият натижаларини Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан олиб чиқишда экспорт назоратини амалга ошириш орқали Ўзбекистон Республикаси хавфсизлигини ҳамда Ўзбекистон Республикасининг ялпи қирғин қуроли ва бошқа турдаги қурол-яроғларни тарқатмаслик соҳасидаги халқаро мажбуриятлари бажарилишини таъминлашдан иборат.

**2-модда. Экспорт назорати тўғрисидаги қонун ҳужжатлари**

Экспорт назорати тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборатдир.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг экспорт назорати тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда

3

Қирқиш чизиғи

*Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ҚАРОРИ*

## "Экспорт назорати тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг лойиҳаси ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. "Экспорт назорати тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг лойиҳаси биринчи ўқишда маъқуллансин.

2. "Экспорт назорати тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг лойиҳаси умумхалқ муҳокамаси учун "Халқ сўзи" ва "Народное слово" газеталарида эълон қилинсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Иқтисодиётни ислоҳ қилиш масалалари ва тадбиркорлик қўмитаси тушган таклифларни манфаатдор вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар билан биргаликда умумлаштирсин ҳамда "Экспорт назорати тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг маромига етказилган лойиҳасини Олий Мажлис муҳокамасига киритсин.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси** **Э. ХАЛИЛОВ**

Тошкент шаҳри,
2004 йил 30 апрель.

2

Буклаш чизиғи

ган экспорт назорати объектларидан ялпи қирғин қуроли ва уни етказиб бериш воситаларини, қурол-яроғ ҳамда ҳарбий техниканинг бошқа турларини яратиш мақсадида фойдаланилмаслиги тўғрисида ёзма мажбурият олиш;

экспорт назорати объектларини олиб чиқиш ва улардан фойдаланиш мониторинги;

экспорт назорати объектларини олиб чиқиш ва улардан фойдаланиш тартибини бузиш ҳоллари тўғрисида ахборот тўплаш ҳамда бундай ахборотларни текшириш;

экспорт назорати объектларини олиб чиқиш ва улардан фойдаланишнинг белгиланган тартибини бузган шахсларга нисбатан жавобгарлик чораларини кўриш.

**10-модда. Экспорт назорати объектларининг рўйхатлари**

Экспорт назорати объектларининг рўйхатлари ваколатли органнинг тақдимига биноан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади ҳамда улар белгиланган тартибда эълон қилиниши керак.

**11-модда. Ички назорат**

Ички назорат юридик шахслар томонидан экспорт назорати объектларини олиб чиқиш ва улардан фойдаланиш тартибини таъминлашга қаратилган механизмни белгилаш чора-тадбирлари мажмуидан иборатдир.

Экспорт назорати объектларини олиб чиқувчи юридик шахслар, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг мудофаа қобилияти ҳамда хавфсизлигини сақлаш соҳасида давлат эҳтиёжларини таъминлаш бўйича илмий ва (ёки) ишлаб чиқариш фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар учун ички назорат ўрнатиш мажбурийдир.

**12-модда. Юридик ва жисмоний шахсларнинг экспорт назорати объектларини олиб чиқишдаги мажбуриятлари**

Экспорт назорати объектларини олиб чиқувчи юридик ва жисмоний шахслар:

экспорт назорати объектларини олиб чиқишга рухсатнома олиш учун ваколатли органга мурожаат қилиши;

ваколатли орган ҳамда бошқа давлат органларининг талабига биноан, мазкур органлар экспорт

7

## *Банк ва мижоз*

***Бундан 4-5 йил аввал республикамизда тадбиркорлик йўналишида иш юритаётган хусусий хўжалик юритувчи субъектлар сони ҳозиргига нисбатан анча кам эди. Соҳани ривожлантиришга оид қабул қилинган Президент фармонлари, ҳукумат қарорлари бўйича кўрилган чора-тадбирлар ўз самарасини берди.Бугунги кунга келиб мамлакатимиз ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқаришида мазкур йўналиш алоҳида ўрин эгалламоқда.***

# Кредитлар — иқтисодиётнинг реал секторига

Улар импорт ўрнини босадиган, экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқариб, истеъмол бозорини тўлдиришга ўз улушларини қўшмоқдалар. Кейинги пайтда нафақат йирик шаҳарларда, балки чекка туман ва қишлоқ жойларида ҳам кичик ҳамда қўшма корхоналар бунёд этилиб, аҳоли эҳтиёжини қондирадиган, харидоргир товарлар тайёрланаётир.

Иқтисодиётнинг устувор йўналишини молиявий қўллаб-қувватлашда тижорат банкларининг ҳам алоҳида ҳиссаси бор. "Тадбиркорбанк"нинг Паркент туман бўлимида ҳам мазкур йўналишда муайян ишлар олиб борилиб, халқ хўжалигининг турли соҳаларида фаолият юритаётган субъектларга сифатли хизмат кўрсатиб келинмоқда. Молиявий муассасада тадбиркорлар бурчаги ташкил этилган бўлиб, бу ерда улар нафақат кредит маблағлари олиш тўғрисидаги ҳужжатлар билан танишадилар, балки иш юритишда вужудга келган муаммо ечими бўйича ҳам маслаҳатлар олишади. Туманнинг табиий-иқлим шароитидан келиб чиқиб, ажратилаётган кредитларнинг асосий қисми шифобахш маъданли сувлар ишлаб чиқариш, картошкачиликни ривожлантиришга йўналтирилмоқда.

Масалан, Заркент қишлоғидаги "ГМХ Заркент ЛТД" қўшма корхонасига ўтган уч йил давомида табиий булоқ сувларидан маъданли сув ва салқин ичимликлар ишлаб чиқариш учун 120 миллион сўм кредит берилди. Натижада жамоа ўз фаолиятини кенгайтириб, харидоргир ва инсон саломатлиги учун ниҳоятда фойдали бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтирди. Корхонада ҳозиргача 77 миллион 474 минг сўмлик салқин ичимликлар, 44 миллион 285 минг сўмлик маъданли сувлар, шунингдек, 49,5 миллион сўмликдан ортиқ спиртли ичимликлар тайёрланиб, савдо шохобчаларига етказиб берилди. Маъданли сувлар ва салқин ичимликларга нафақат пойтахт вилоятида, балки республикамизнинг бошқа ҳудудларида ҳам талаб катта.

Туманда картошка етиштириш қулай бўлганлиги боис, банк томонидан ушбу соҳани ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор берилмоқда. Ўз вақтида маблағлар ажратилаётганлиги туфайли юқори ҳосил олишга эришиляпти. Масалан, ўтган йили "Чавканчақ" хўжалигига Голландиядан келтирилган янги репродукцияли картошка уруғи сотиб олиш учун 30 миллион сўм кредит берилди. Натижада бир гектар ердан бизнес режадаги 250 центнер ўрнига 280 центнердан ҳосил олинди. Етиштирилган картошканинг умумий қиймати 52 миллион сўмни ташкил қилди. Пировардида хўжалик соҳадан катта фойда олди. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Айни пайтда банкда 698 та мижозга молиявий хизмат кўрсатилмоқда.Уларнинг асосий қисми кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик билан шуғулланади. Ўтган йили мазкур йўналиш учун лойиҳаси молиялаштирилиб, уларга 61 миллион 322 минг сўмлик кредит йўналтирилди. Маблағларнинг асосий қисми ишлаб чиқариш, корхоналарнинг айланма маблағларини шакллантириш ва харидоргир маҳсулотлар тайёрлашга ажратилди. Банкдаги Имтиёзли кредитлаш жамғармаси ҳисобидан ҳам тадбиркорларга кредит бериш йўлга қўйилган.

Кредит олиб, маҳсулот ишлаб чиқариб, истеъмол бозорини тўлдиришга улуш қўшаётган тадбиркорлар кўп. Масалан, 2004 йилнинг биринчи чорагида "Қурувчи" фирмасига пишиқ ғишт тайёрлаш учун 5 миллион сўм, "Паркент қалдирғочи" фирмасига нон пиширадиган кичик цех қуриш мақсадида 3 миллион сўм, "Бахтиёр Тўлқин ўғли" жамоасига айланма маблағини шакллантириш учун 4,5 миллион сўм, "Аббос ота ўғли Ўктам" фермер хўжалигига кўчат ва картошка уруғи етиштириш мақсадида 2 миллион 950 минг сўм, "Қосимов Д." деҳқон хўжалигига эса иссиқхона қуриш учун 2 миллион сўм кредит ажратилди.

Шунингдек, банкда кўрсатилаётган молиявий хизмат даражасини ошириш, хизмат турларини кўпайтириш, мижозларга жаҳон андозаларига жавоб берадиган тарзда хизмат кўрсатишга алоҳида эътибор бериляпти. Ўтган йили сентябрь ойида молиявий муассасанинг замонавий биноси қурилиб ишга туширилди. Шу билан бирга, аҳоли гавжум жойларида бир қанча шохобчалар фаолият кўрсатмоқда.

Бундай ижобий мисолларни "Тадбиркорбанк"нинг Тошкент вилоятидаги бошқа туманлар бўлимлари фаолиятида ҳам кўриш мумкин. Масалан, жорий йилнинг ўтган даврида банкнинг Оққўрғон тумани бўлими "Акмал" хусусий фирмасига ёғ маҳсулотлари ишлаб чиқариш учун 70 миллион сўм, Пскент тумани бўлими "Файз" хусусий корхонасига аҳолининг нон ва макаронга бўлган эҳтиёжини қондириш мақсадида 10 миллион сўм, Келес тумани бўлими "Тожир" савдо уйига ун маҳсулотлари олиб келиш учун 60 миллион сўм, "Феруз" корхонасига қандолат маҳсулотлари тайёрлаш учун 30 миллион сўм кредит ажратганлиги ҳам фикримизнинг далилидир. Иқтисодиётнинг устувор йўналишини ривожлантиришга ажратилаётган кредитлар, асосан, молиявий муассасанинг ўз маблағлари ҳисобидан берилаяпти.

— Тадбиркорлар кредит олиб ишлаб чиқаришни кенгайтириб, аҳоли учун зарур маҳсулотлар тайёрлашни йўлга қўйиш билан чегараланиб қолмасдан, қўшимча иш ўринларини ҳам ташкил қиляпти, — дейда банкнинг вилоят бошқармаси бошқарувчиси Иброҳим Салимов. – Масалан, жорий йилнинг ўтган даврида 40 га яқин киши иш билан таъминланди. Мақсадимиз ушбу йўналишда олиб бораётган ишимизни давом эттириб, тадбиркорларнинг барча молиявий муаммоларини ҳал қилишда янада кўпроқ улуш қўшиш.

Тошкент вилоятида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда биз юқорида сўз юритган молиявий муассасанинг алоҳида ўрни бор. Банк жамоаси келгусида ўз хизматлари билан халқ хўжалигининг соҳаларини тобора кенгроқ қамраб олишни мақсад қилиб қўйган.

**Ўз мухбиримиз.**


Хурматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар !

«ТОШКЕНТ ШАҲАР МУНИЦИПАЛ БИРЖА МАРКАЗИ»

*сизларни биржа савдоларига таклиф этади.*

Биржа савдоларига «Автомакон» савдо-ярмарка мажмуаси шўъба хўжалик жамиятининг Тошкент шаҳар, Сергели тумани, Янги Сергели кўчаси, 3-уйда жойлашган автомажмуа ҳудудидаги майдони 18 кв.метрдан бўлган, қуйидаги товар турлари сотиш учун мўлжалланган турғун савдо дўконлари қўйилган:

- кийим-кечак ва пойабзал моллари;
- газмоллар;
- канцелярия моллари;
- электр ва хўжалик моллари;
- маиший кимё тозалаш моллари;
- озиқ-овқат моллари;
- «DAEWOO» автоэҳтиёт қисмлари;
- автоулов аксессуарлари;
- чет эл автоулов эҳтиёт қисмлари;
- «ГАЗ», «ВАЗ» ва «Москвич» автоэҳтиёт қисмлари;
- авто лак-бўёқ маҳсулотлари;
- автошина ва ғилдираклар.

*Ҳар бир савдо дўконининг бошланғич баҳоси — 3 000 000 сўм.*

*Биржа савдоларининг савдо сессиялари ҳафтанинг ҳар иш кунида соат 11.00 дан 12.00 гача ҳамда 16.00 дан 17.00 гача «Тошкент шаҳар муниципал биржа маркази»да бўлиб ўтади.*

*Мурожаат учун манзил:*
*Тошкент шаҳри, Мовароуннахр кўчаси, 16-а уй.*
*Телефон: 132-25-51, факс: 133-20-74.*
*Сайт: www.tshmbm.uz. Эл.почта: Birja@mail.tps.uz ва info@tshmbm.uz.*



Хурматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар!

«ТОШКЕНТ ШАҲАР МУНИЦИПАЛ БИРЖА МАРКАЗИ»

*сизларни биржа савдоларига таклиф этади.*

Биржа савдоларига қуйидаги объектлар қўйилган:

Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек тумани, Ҳамид Олимжон кўчаси, 11-уйда жойлашган, майдони 1 642 кв.метр бўлган, «Нур» мажмуаси.

Бошланғич нархи — 750 000 000 сўм.

Тошкент шаҳар, Сергели тумани, Жанубий саноат ҳудуди КПД-5 ёнида жойлашган «Промстройиндустрия» ОАЖнинг қурилиши тугалланмаган монолит уй қурилиш базаси.

Бошланғич нархи — 59 921 772 сўм.

Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани, И.Франко кўчаси, 38-а уйда жойлашган «O'zdavlatta'limloyihaqurilish» МЧЖнинг 90 фоизлик давлат улуши.

Бошланғич нархи — 1 514 250 сўм.

«Руслан Шамшади» хусусий корхонаси балансида бўлган қуйидаги дастгоҳлар:
- СМЖ-357 дастгоҳи бошланғич нархи — 1 400 221 сўм;
- 1Г 340 П — токарлик-револьвер дастгоҳи

Бошланғич нархи — 5 338 396 сўм.

ШУНИНГДЕК, САВДОЛАРДА «ПАРКЕНТ ИХТИСОСЛАШГАН БОЗОРИ» ОАЖ ҲУДУДИДА ТУРҒУН САВДО ДЎКОНЛАРИ ҚУРИШ ҲУҚУҚЛАРИ СОТИЛМОҚДА.

*Биржа савдоларининг савдо сессиялари ҳафтанинг ҳар иш кунида соат 11.00 дан 12.00 гача ҳамда 16.00 дан 17.00 гача «Тошкент шаҳар муниципал биржа маркази»да бўлиб ўтади.*

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Мовароуннахр кўчаси, 16-а уй.
Телефон: 132-25-51, факс: 133-20-74.
Сайт: www.tshmbm.uz. Эл.почта: info@tshmbm.uz ва Birja@mail.tps.uz



Организация реализует со склада вТашкенте:

КАБЕЛЬ
(АВВГ, ВВГ, АСБ, ААШВ, КГ, КВВГ, ТПП, ПВ, АПВ, ППБН, ПУНП, и тд.)

ЭЛЕКТРООБОРУДОВАНИЕ
(ЯЧЕЙКИ, ТРАНСФОРМАТОРНЫЕ ПОДСТАНЦИИ, ДИЗЕЛЬ-ГЕНЕРАТОРЫ)

Товар сертифицирован

СВЕТИЛЬНИКИ
(ЛПО, ЛСП, НСП, РСП, РКУ, и т.д.)

ЛАМПЫ
(ЛД, ДРЛ, ДНАТ, и т.д.)

ВОЗМОЖНЫ КОНТРАКТНЫЕ ПОСТАВКИ ИЗ БЛИЖНЕГО И ДАЛЬНЕГО ЗАРУБЕЖЬЯ ПО ВАШЕМУ ЗАКАЗУ

700015, г. Ташкент,
ул. Нукусская, 29-д.
Дом быта "Узбекистан", 5-этаж
Т/ф.: (998 71) 136-01-54, 133-12-84
E-mail: gamma-elektro@yandex.ru



NBU

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ МИЛЛИЙ БАНКИ

Ўзмиллийбанк маҳаллий ҳисоб тармоғини модернизациялаш мақсадида ускуналар ва дастурий таъминотни чет эллардан етказиб бериш бўйича

ТАНЛОВ ЭЪЛОН КИЛАДИ.

*Тендерда иштирок этиш тўғрисидаги аризалар мазкур эълон чиққан кундан бошлаб 5 иш куни мобайнида қабул қилинади.*

Қўшимча маълумот ва ариза шаклини олиш учун Ольга Владимировна Блохинага мурожаат қилинсин.
E-mail: OBlokhina@central.nbu.com
Мулоқот учун телефонлар:
137-59-34, 137-59-37, факс: 135-20-90.
www.nbu.com

UZ-DAEWOO
UZ-DAEWOO AUTO CO.

# «ЎзДЭУавто»:

## ИШЛАБ ЧИҚАРИШ МАРОМИ ЮКСАЛМОҚДА

***«ЎзДЭУавто» акционерлик жамияти фаолият кўрсата бошлагандан буён ички бозорда 273 мингдан ортиқ автомобиль сотди. 2004 йилнинг 4 ойи мобайнида бу кўрсатгич 10,3 мингта автомобильни ташкил қилди. Бу жами 89,3 миллиард сўмни ташкил этади ва ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 1,6 марта кўп демакдир. Шунингдек, кейинги пайтда ички бозорда автомобилларга талаб ортиб бораётгани ҳам кузатилмоқда.***

Шу муносабат билан 2004 йилнинг апрелида «Ўзавтосаноат» уюшмаси делегациясининг Корея Республикасига ташрифи чоғида «GMDAT» компанияси раҳбарияти билан 2005 йилда автомобиллар ишлаб чиқариш ҳажмини жорий йилга нисбатан 1,5 баробар кўпайтириш тўғрисида келишилди. Айни пайтда уюшманинг барча корхоналарида, бу борада тайёргарлик ишлари бошлаб юборилди.

Маҳсулот сотишни таъминлаш учун ички бозорда дилерлик тармоғини янада ривожлантириш лозим. Кейинги 3 йилда 150 дан ортиқ ташкилот ички бозорда автомобиль сотиш билан шуғулланди. Шунинг 20 таси Ўзавтотеххизмат тизимидаги, 10 таси «Ўзбек-Лада» тизимидаги ва 120 таси бошқа дилер корхоналардир. Бугунги кунда ички бозорда «Ўзавтотеххизмат» тизимида 20 та ташкилот, «Ўзбек-Лада» тизимида 9 та ва 33 та бошқа корхоналар, — жами бўлиб 62 та дилерлик корхонаси фаолият юритяпти.

Қайд этилган даврда дилерлик корхоналаридан фақат 35 таси компания билан мунтазам ҳамкорлик қилди (улардан атиги 7 корхона бошқа дилерлар тузилмасига киради), қолганлари эса турли сабабларга кўра маълум муддатдан сўнг ҳамкорликни тўхтатди ёки мулкчилик шаклини ўзгартириб, компания билан дилерлик шартномасини янгидан тузди. Яна шуни таъкидлаш керакки, «ЎзДЭУавто» жамияти сохта тадбиркорлиги маълум бўлган айрим дилерлар билан улар томонидан республикада қонунчилик бузилганлиги сабабли савдо-дилерлик муносабатларни бекор қилди.

Афсуски, дилерлик тармоғидаги бу каби тез-тез ўзгаришлар автомобиллар сотилишининг беқарорлиги, узоқ муддатли ягона сотув сиёсатини юритишда қийинчиликларнинг пайдо бўлишига олиб келиши мумкин. Бу, табиийки, компания имижига таъсир қилади. Компания шу боис дилерлик корхоналар билан узоқ муддатли ўзаро муносабатларни ўрнатишдан манфаатдор. Бунда улар «ЎзДЭУавто»нинг асосий стандартларига ва талабларига риоя қилиши шарт. Бундан ташқари, янги дилер корхонасини тузиш учун, унинг тегишли моддий-техник базасини ташкил этиш ва мутахассисларни тайёрлаш узоқ вақтни талаб этади.

Айрим хорижий давлатларда, хусусан, АҚШ ва Жанубий Кореяда янги автомобилларни сотиш бўйича дилер корхоналар тармоғи таҳлили шуни кўрсатдики, уларда аҳоли сонига нисбатан дилерлик корхоналар сони Ўзбекистон ва Россиядаги кўрсаткичдан анча кўп (1-жадвал). Масалан, 2002 йилда АҚШда бундай корхоналарнинг умумий сони 21,8 мингтани ташкил қилди. Бу битта корхона ўртача 12,9 минг кишига хизмат кўрсатди, демакдир. Кореяда биргина «GMDAT» компаниясининг дилерлари сони 650 тадан иборат бўлиб, яъни битта дилер ўртача 74,3 минг кишига хизмат кўрсатади. Россияда «АвтоВАЗ» акционерлик жамияти 492 дилер ва дистрибьютерга эга. Бунда битта корхона ўртача 295 минг кишига хизмат кўрсатади. Ўзбекистонда эса 2003 йилда «ЎзДЭУавто» жамияти дилерларининг ўртача йиллик сони 75 тани ташкил қилди ва ўртача битта корхона 344 минг кишига хизмат кўрсатди.

Ривожланган мамлакатларда дилер корхоналари сони кўплигининг сабаби шундаки, уларда аҳолининг харид қилиш лаёқати анча юқори. Мисол учун, АҚШда йилига 64 минг доллар даромад қиладиган ўртаҳол оила янги автомобилнинг ўртача баҳоси қиммат бўлишига қарамай, 2002 йилда нархи 26 минг доллар атрофида бўлган икки яримта машина сотиб олиш имкониятига эга.

Яна шуни таъкидлаш жоизки, Ўзбекистонда йилига битта дилер томонидан автомобиллар сотишнинг ўртача кўрсаткичи АҚШ ва Россияга қараганда анча паст. Масалан, АҚШда бу кўрсаткич 2002 йилда 774 автомобилни ташкил қилди ва у йил сайин ўсиб бормоқда. Россияда эса «АвтоВАЗ» акционерлик жамиятининг битта дилери ўртача 1240 автомобиль сотади. 2003 йилда «ЎзДЭУавто» жамиятининг битта дилер корхонаси ўртача 359 автомобиль сотган. Бу кўрсаткич 1998 йилда дилерларнинг ўртача сони 95 корхона бўлганда 523 тани ташкил қилган. Ушбу кўрсаткич «ЎзДЭУавто» дилерларининг ҳам имкониятлари катталигидан дарак беради.

Ўзбекистон ҳудудида дилерлик корхоналарнинг жойлашиши таҳлил қилинганда, улар республика ҳудудлари бўйича нотекис тақсимланганини маълум бўлди. Энг кўп дилер корхоналар Андижон вилоятида — 15 (154 минг кишига битта дилер), Самарқанд ва Қашқадарё вилоятларида эса биттадан корхона (2834 минг кишига ва тегишли равишда 2339 минг кишига битта дилер) мавжуд (2-жадвал).

Шунингдек, республикамизнинг айрим ҳудудларида (Қорақалпоғистон Республикаси, Навоий, Қашқадарё ва Самарқанд вилоятлари) дилерлик корхоналарининг узоқда жойлашганини ҳам таъкидлаб ўтиш лозим. Улар ҳудудий марказларда жойлашгани боис харидорлар автомобиль сотиб олиш учун олис масофани босиб ўтишига тўғри келмоқда. Шу боис «ЎзДЭУавто» акционерлик жамияти мавжуд дилерлик тармоғини янги тузилаётган дилер корхоналар ва уларнинг фаолияти бошида имтиёзли шароитлар яратиб бериш йўли билан қўллаб-қувватлаш ҳисобидан кенгайтиришни лозим топади. Республикамизнинг чекка туманларида вилоят ҳокимликлари билан келишилган ҳолда ва уларнинг ёрдамида дилер корхоналарни ташкил этиш аҳоли учун автомобилларни харид қилишда қулайликни таъминлаб, республиканинг барча ҳудудларида сотиш барқарорлигига ёрдам берган бўларди.

Дилерлик тармоғини ривожлантириш ва автомобиллар сотиш ҳажмини кўпайтириш «ЎзДЭУавто» жамиятига фойда келтириши билан бирга республика ҳудудларини ривожлантиришга ҳам ёрдам беради, деб ўйлаймиз. Бунда аҳолининг кенг қатлами ўзи учун ҳамда тижорат мақсадида фойдаланиш учун транспорт воситасини сотиб олиш имконига эга бўлади. Шунингдек, маълум бир ҳудуднинг нақд пул билан таъминланиш аҳволи анча яхшиланади, банкларга аҳолининг нақд пул маблағларини қўшимча жалб қилиш, маблағ айланиши ҳамда даромадини кўпайтириш имконига эга бўлади.

Шу муносабат билан «ЎзДЭУавто» дилерлик тармоғини ривожлантириш ва янги техник хизмат кўрсатиш шохобчалари қуришни аҳоли сони, ҳудудлар катта-кичиклигини ҳисобга олган ҳолда биринчи навбатда дилерлар сони кам бўлган Қорақалпоғистон Республикаси, Самарқанд, Қашқадарё, Хоразм, Жиззах, Сирдарё вилоятларидаги туман марказлари ҳамда Тошкент шаҳрида режалаштирмоқда. Бу борада уларнинг энг мақбул сони 90-100 тани ташкил этиши керак. Бундай ҳолатда битта дилер ўртача 260 минг кишига хизмат кўрсатади, битта корхона 2005 йилга келиб йилига ўртача 700 га яқин автомобиль сотиши мумкин. Бу эса хориж компаниялари дилерлари кўрсаткичларига яқинлашиш имконини беради.

**Шавкат МАДАМИНОВ,**
**«ЎзДЭУавто» АЖ маркетинг бўлими бошлиғи.**

**Янги автомобиллар сотилишини таққослаш**

**1-жадвал**

| Мамлакатлар | Йиллар | Дилер корхоналар сони | Битта дилернинг ўртача сотиш сони, дона | Автомобилларни сотиш, дона | 1 дилер корхонага тўғри келадиган аҳоли сони, минг киши | Компаниялар |
|---|---|---|---|---|---|---|
| Корея | 2003 | 650 | 197 | 128000 | 74291 | GMDAT |
| АҚШ | 2002 | 21800 | 774 | 16817500 | 12940 | Барча компаниялар |
| Россия | 2003 | 492 | 1240 | 610000 | 295122 | АвтоВАЗ |
| Ўзбекистон | 1998 | 95* | 523 | 49680 | 250200 | ЎзДЭУавто |
| Ўзбекистон | 2003 | 75* | 359 | 26926 | 343952 | ЎзДЭУавто |

Изоҳ: * дилерларнинг ўртача йиллик сони

**"ЎзДЭУавто" акционерлик жамияти автомобилларининг Ўзбекистон ҳудудларида сотилиши**

**2-жадвал**

| Ҳудудлар, вилоятлар | Дилер* корхоналар сони | 1 дилерга* тўғри келадиган ҳудуд, кв.км | 1 дилер* корхонага тўғри келадиган аҳоли сони, минг киши | 2003 йилда автомобилларнинг сотилиши, дона | Сотишларнинг солиштирма ҳажми, % | 1000 кишига сотилган автомобиллар сони, дона |
|---|---|---|---|---|---|---|
| Тошкент шаҳри | 11 | | 196 | 6346 | 23,57% | 2,95 |
| Андижон | 15 | 280 | 154 | 5104 | 18,96% | 2,20 |
| Фарғона | 8 | 850 | 351 | 3006 | 11,16% | 1,07 |
| Бухоро | 6 | 6567 | 249 | 2791 | 10,37% | 1,87 |
| Наманган | 4 | 1975 | 512 | 1460 | 5,42% | 0,71 |
| Тошкент | 4 | 3825 | 611 | 1367 | 5,08% | 0,56 |
| Сурхондарё | 2 | 10400 | 934 | 1223 | 4,54% | 0,65 |
| Навоий | 2 | 55400 | 404 | 1121 | 4,16% | 1,39 |
| Самарқанд | 1 | 16400 | 2834 | 1027 | 3,81% | 0,36 |
| Қорақалпоғистон Республикаси | 2 | 82800 | 781 | 931 | 3,46% | 0,60 |
| Қашқадарё | 1 | 28400 | 2339 | 771 | 2,86% | 0,33 |
| Хоразм | 2 | 3150 | 706 | 680 | 2,53% | 0,48 |
| Жиззах | 2 | 10250 | 518 | 595 | 2,21% | 0,57 |
| Сирдарё | 2 | 2550 | 336 | 504 | 1,87% | 0,75 |
| **Жами** | **62** | **7216** | **416** | **26926** | **100,00%** | **1,04** |

Изоҳ: * 2004 йил апрель ойининг боши ҳолатига кўра

***«Фарғона почтаси» ҳиссадорлик жамияти фаолияти вилоятнинг ижтимоий ҳаётида унчалик кўзга ташланмаслиги мумкин. Лекин улар қўлидан йилига 1 миллион 200 мингдан зиёд хат-хабар, 5000 та посилка, 80 мингта пул жўнатмалари ўтади.***

## *Хизмат — рағбатга лойиқ*

Энг муҳими, 9,5 миллион нусха газета ва журналларни обуначилар қўлига ўз вақтида етказиб бериш масъулияти турганлигини эслатсак, иш кўлами ва ҳажми кўз олдимизда намоён бўлади.

Ҳиссадорлик жамияти таркибидаги 287 та алоқа бўлимларида меҳнат қилаётган хабарчиларни рағбатлантириш, моддий ёрдам кўрсатишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Фақат шу йилнинг ўзида 232 та ходим бир марталик ёрдам пуллари олдилар.

**Набижон СОБИР,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## *Меҳрибонлик уйидан — коллежга*

Хива шаҳар 20-Меҳрибонлик уйида тарбияланувчиларнинг Хоразм вилоятидаги мавжуд лицей ва коллеж раҳбарлари, туманлар ҳокимликлари вакиллари билан учрашуви бўлиб ўтди. Тадбир республика Халқ таълим вазирлиги ва «Сен ёлғиз эмассан» республика болалар жамғармаси ҳамкорлигида ўтказилди. Учрашувда лицей ва коллеж раҳбарлари ўзларининг билим юртлари ҳақида гапириб бердилар. Битирувчи тарбияланувчилар ҳам ўз навбатида қайси касбни, ҳунарни эгалламоқчи эканликлари, қизиқишлари ҳақида сўзладилар. Энди Меҳрибонлик уйининг 25 нафар битирувчиси янги ўқув йилида вилоятдаги турли коллеж ва лицейларга ўқишга имтиёзли равишда қабул қилинадиган бўлди.

**Ойбек РАҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**











ESENYA
ҚУРИЛИШ-ИНЖИНИРИНГ ФИРМАСИ

БОЛАЛАРГА МЕҲР БИЛАН

ESENYA
Bau- und Handelinvestition GmbH
Traunreut - Deutschland

«Оналар ва болалар йили» ва «Соғлом авлод учун» давлат дастурларида белгиланган вазифаларни бажара бориб, фирмамиз «Болаларга меҳр билан» дастурини тайёрлади. Дастур доирасида болалар учун катта спорт ва кўнгил очар ҳамда соғломлаштириш мажмуалари, сув ҳавзалари, кўнгил очар боғларни ишлаб чиқди.

Ўтган «Маҳалла йили»да биз «Менинг уйим — менинг маҳаллам» дастурини тайёрладик. Мазкур дастур узвий равишда болаларни соғломлаштириш ва жисмоний ривожлантиришга қаратилган «Болаларга меҳр билан» умумий дастурига кирди. Ушбу дастур бўйича 12 та ўйин тизимлари ва болалар майдончалари ишлаб чиқилган бўлиб, биз уларни маҳаллалар, кўп қаватли уйларнинг ҳовлилари, боғлар, Меҳрибонлик уйлари, мактаблар ва мактабгача тарбия муассасаларида жойлаштиришни тавсия этамиз.


ES-01


ES-09 ES-02 ES-06


ES-10 ES-11 ES-A.05


ES-A.01

Бу йил — Меҳр ва мурувват йили. Йил бўйи биз кўп болали, кам таъминланган оилалар, қариялар ва ногирон бўлиб қолганларга моддий ёрдам кўрсатиш, уларнинг оғирини енгил қилиш учун қатор тадбирлар белгилаганмиз. Лекин улар ҳақида кенг оммага жар солишни, ўзимизни тарғиб қилишни истамаймиз. Бизнингча, вақтинчалик қийинчилик кўриб турган одамларга ёрдам кўрсатиб, шу билан обрў орттириш инсофдан эмас. Ахир ҳар бир киши савоб ишни ҳар доимо қилиши керак.

Кўрсатаётган ёрдамимизни жамоатчиликка кўз-кўз қилиш, бизнингча, тўғри бўлмаса керак. Шунинг учун биз бу ишларни алоҳида ёндошган ҳолда амалга оширамиз.



МДҲдаги ишлар бўйича бош менежер
Шавели Матвелиев.

УШБУ ЛОЙИҲАЛАРНИНГ МУАЛЛИФИ —
«ESENYA - Bau - und Handelinvestition GmbH Traunreut - Deutschland» ФИРМАСИ.
МАЗКУР ЛОЙИҲАЛАРНИ ҲАР БИР БОСҚИЧДА ЛОЙИҲАЛАШ, ҚУРИШ БЎЙИЧА УНИНГ МУАЛЛИФЛИК ҲУҚУҚИ ХАЛҚАРО ҚОНУНЧИЛИК ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНЧИЛИГИ БИЛАН ҲИМОЯЛАНАДИ.

700025, Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, А.Қаҳҳор кўчаси, 49-уй.
Телефон: +99871 107-16-00. Тел./факс: +99871 152-13-01.



*Хожа Аҳрор Валий таваллудининг 600 йиллиги олдидан*



***Мовароуннаҳрлик буюк мутасаввуф олим, ислом дини ва ўрта асрлар диний мафкурасининг яловбардори, Темурий ҳукмдорлар, уламолар ва фақирларнинг устози пири муршид Хожа Аҳрор Валий XV аср сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва маънавий ҳаётида ўчмас из қолдирди.***

# Олис юлдуз шуъласи

Нақшбандия сулукининг давомчиси, маърифатпарвар, тарихда Хожа Аҳрор Валий деб ном таратган бу алломанинг асл исми Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор бўлиб 1404-1490 йилларда яшаган.

Ул зоти шариф аслида Тошкент вилояти, Бўстонлиқ тумани, Боғистон қишлоғида туғилган бўлса-да, умрининг энг сермаҳсул палласи Самарқандда ўтган.

Изланишлар ва машаққатлар эвазига валий даражасига етишган, эл-улус дарди билан яшаган бу улуғ аллома мероси шўролар даврида нохолис ўрганилди. Илм-маърифат душмани, жаҳолатчи ва ақидапараст, оммани эзувчи, эксплуатация қилувчилар синфи вакили сифатида талқин этилди. Ҳатто Улуғбек фожиасининг бош сабабчиси дея кўрсатилди. Бу сафсаталар заминида миллий ғурурни топташ, халқимизни қарамликка кўндириш ва бу орқали миллий-маънавий тарихимизни атайлаб совет тузумига қарши қўйиш мақсадлари яширинган.

Мустақиллик асл маънода буюк аждодларимизнинг, жумладан, улуғ ватандошларимиз ва маънавий устозларимизни яқиндан билишимизга ва уларнинг ибратли ҳаётидан ўрнак олишимизга катта имкониятлар яратди. Хожа Аҳрор Валийнинг 600 йиллигини нишонлаш тўғрисидаги ҳукумат қарорининг эълон қилиниши бу эътиборнинг ёрқин намунасидир.

Маълумки, XV асрда Темурийлар ўртасида тахт учун талашишлар, низолар кучли бўлган. Бу низолар катта уруш ва вайронагарчиликлар келтириб чиқариши мумкин эди. Хожа Аҳрорнинг буюк хизматлари туфайли хавфсизлик таъминланди. У Темурийлардан Абу Саид Мирзо билан Султон Аҳмад Мирзога сиёсий-иқтисодий ва маънавий таянч бўлди, содир бўлиши мумкин бўлган кўплаб урушларнинг олдини олди.

Унинг бу фаолиятига можор олими Ҳерман Вамбери катта баҳо берди. У Султон Аҳмад ҳақида фикр юритар экан, шундай ёзади: «У бир тарафдан ўзининг шайхи Хожа Убайдуллоҳга шу қадар ҳурмат кўрсатар эдики, унинг ҳузурида камоли хокисорлик ва муҳаббат билан тиз чўкиб ўтирар эди. Ҳатто тиззаси остига тасодифан учли суяк кириб қолса ҳам, уни олиб ташлашга истиҳола қилиб, оёғининг қаттиқ оғришига ҳам чидаб, шу ҳолатда имкон кутар эди». Шунингдек, Вамбери Султон Аҳмад ва унинг укаси Умаршайх ўртасидаги низолар ҳақида тўхталиб: "Ихтилофлар бир неча марта жангга бориб тақалди, лекин зоҳидлардан машҳур ҳўжа Аҳрори ҳазратлари сулҳга даъват қилиб битим тузилганлиги хусусида ҳам ёзиб қолдирган".

А. Ўринбоев, М. Ҳасановлар Навоий бисотига тегишли ёзишма хатларни ўрганиш асосида Хожа Аҳрорнинг Алишер Навоийга ёзган хати ҳақида тўхталиб ўтадилар. Унга кўра, Навоий ҳазратларининг саройдаги низолардан чарчагани, ижод қилишга вақти етмаётганлиги туфайли ўз лавозимидан бўшашга қарор қилганини эшитган аллома — панд-насиҳатдан иборат мактуб йўллайди. Мактубда жумладан шундай дейилади:

"Эшитишимизча, баъзи бир воқеалар ва ҳодисалар сабабли хон ҳазратнинг (Ҳусайн Бойқаро) мулозаматида бўлишдан сиз, жаноблар, малоллик қилаётган эмишсиз. Илтимосим шуки, мусулмонларга ёрдам кўрсатиш учун хотири шарафингизни саройда мулозамат қилиш томон қаратсангиз. Умидимиз шуки, бирор фақирнинг хотири бирон бир қийинчиликдан нажот топиб, унинг кўнглини хурсандчиликка етиш эвазига дилингиз шундай зоҳир бўлсаки, дунёвий паришонликка қарамай, ҳақ таолога етишиш завқи ортиб борса, ҳеч ким мусулмонлар ғамини емай қўйган бу вақтда улар ҳақида қайғуриш энг хайрли ишлардан кўринади".

Давлат ва халқ манфаати, адолат ва ҳақиқат учун қаттиқ курашган пири комил мамлакатда маърифат ва илм уруғларини сочди, кенг бунёдкорлик ишларини олиб борди. Халқни инсоф, адолат ва савоб ишларга чақирди, гуноҳ ишлардан қайтарди.

Хожа Аҳрор Валийнинг XV аср ижтимоий-иқтисодий ҳаётидаги йирик заминдор сифатидаги фаолияти алоҳида мавзуда ўрганилиши лозим. Манбалардаги маълумотларга кўра қисман харид этиш ва ҳамда Темурийлар ва бошқа бадавлат шахсларнинг ҳадья – инъомлари эвазига у зотнинг ер – мулклари ва бойликлари ниҳоятда кўпаяди. У ўз мол-мулклари рўйхатини тузади. Улардан тушадиган даромадларни қаттиқ назорат остига олиб, давлат ва халқ манфаатига сарфлайди. Унга қарашли ерлар Қарши ҳудудида 150000 таноб, Самарқандда 200000 танобни ташкил этган. Яна кўплаб йирик мулклари Чирчиқ дарёсининг ўнг ва чап соҳилларида, шунингдек Келесда жойлашган эди. Унинг ерлари ушр солиғидан ташқари барча солиқлардан озод этилган ва у ерларда ишлайдиган деҳқонлар ҳам шундай имкониятга эга бўлган.

У Расулуллоҳнинг суннатларига амал қилиб, давлат раҳбарларига хизмат қилиш орқали эл-улусга ёрдам кўрсатишни икки дунё саодатининг калити деб билди. Беҳисоб бойликлар эгаси бўлса-да, ўта камтарона ҳаёт кечирди. Валий ҳазратлари одми кийинар, меҳмон кутишни хуш кўрар, уларга шахсан ўзи хизмат кўрсатар эди.

"Муноқиби Хожа Аҳрор" («Хожа Аҳрор хизматлари ҳақида») асарида келтирилишича, Тошкент аҳолисига солинган 250000 динордан иборат солиқни хожанинг ўзи тўлаб, орадан бир оз ўтгач 70000 динорни хазинага инъом этган.

Ул зот томонидан ёзиб қолдирилган манбалар — "Рисолаи волидия", "Рисолаи ҳурия" асарларининг шарҳу тавсирларини ўрганиб, ниҳоятда бой фалсафий фикрлари, одоб-ахлоқ ҳақида ёзган насиҳатларидан унинг ғоятда кучли шахс бўлганлигини англаш мумкин. Унинг шахсияти Бобур ҳаёти ва эътиқодининг шаклланишида муҳим аҳамият касб этган, унинг тасаввурида бу инсон доимо муқаддас ва нажоткор зот қиёфасида гавдаланган. "Бобурнома"да ёзишича, "Сешанба оқшоми" сафар ойининг йигирма еттисида ҳазрат хўжа Убайдуллоҳнинг "Волидия" рисоласини, кўнглимга кечирдимки, соҳиби "Қасидаи Бурда"нинг қасидаси мақбул тушиб, ўзи Афлаж маразиддин халос бўлди, мен бу доғи оризадин қутулиб, назмимнинг қабулига далиле бўлғусидир". Яъни Бобур бу асарни туркийга таржима қилиб, соғайиб кетган. Бу асар ҳақида у шундай ёзади:

*Отаси қилғон учун*
*таклифе,*
*Қилди онинг отига*
*таълифе.*
*... Яна бу назм ўқиса*
*ҳар толиб,*
*Кўнгулнинг рағбати*
*бўлғай ғолиб,*
*Рағбат айлаб анга*
*файзе этса,*
*Тийралиқ кўнглидин*
*анинг кетса.*

Хожа ҳазратлари илм-маърифатли инсонларни севган, мажлиси доимо олим-уламоларга тўла бўлган. Самарқанд, Тошкент, Қобул ва бошқа ерларда илм аҳли учун мадрасалар қурдирган. Ҳатто мадрасалардаги ўқитиш усулларига тузатишлар киритишни мударрисларга маслаҳат берган. Ҳар бир дарс нафақат таълим, шу билан бирга тарбиядан ҳам иборат бўлиши лозимлигини алоҳида таъкидлаган.

Бизнингча, унинг маориф тарихидаги ўрни ҳам алоҳида тадқиқотларда ўрганилиши лозим ва бу амалий жиҳатдан фойдалидир.

Бир сўз билан айтганда, Хожа Аҳрор Валийнинг шахс сифатидаги фаолияти, маънавий дунёси, йирик заминдор ва тадбиркорлик фаолияти, бунёдкорлиги, илм-маърифатга қўшган ҳиссаси, меҳр-мурувввати, кароматлари алоҳида ўрганилиши бугун муҳим аҳамият касб этади. Шунингдек, у ҳақдаги манбаларни жамлаб таржима этиш, тарих, сиёсатшунослик, маънавият дарсларига у ҳақдаги тегишли маълумотларни киритиш муҳим масаладир.

**Бекдавлат АЛИЕВ,**
**фалсафа фанлари доктори, профессор.**
**Шоҳиста ЎЛЖАЕВА,**
**тарих фанлари номзоди, доцент.**

***Маннон Уйғур номидаги Тошкент давлат санъат институтида Марказий Осиё мамлакатлари ёш киноижодкорларининг "Ижодий парвоз" халқаро фестивали ниҳояланди. Фестивалга тақдим этилган фильмларда асосан ёшлар ҳаёти, ўй-кечинмалари ҳақида ҳикоя қилинади.***

Кинофестиваль



# Ижодий парвоз

Тожикистон, Қирғизистон, Қозоғистон республикаларининг ёш киноижодкорлари суратга олган фильмлар билан бир қаторда, Франция, Италия, Швейцария элчихоналари тақдим этган фильмларнинг танловдан ташқари намойиш этилгани фестиваль нуфузини анча оширди. Мазкур фестивалга тақдим этилган 26 та қисқа метражли фильмларнинг деярли ярми Тошкент давлат санъат институти талабаларининг ижодий маҳсулидир.



Ушбу тадбир Республика Маданият ишлари вазирлиги, "Ўзбекфильм" киностудияси, "Ўзтелерадиокомпания" сингари ташкилотлар билан бир қаторда Франция, Италия, Швейцариянинг мамлакатимиздаги элчихоналари ҳамда Тошкентдаги Гёте институти ҳамкорлигида ташкил этилди.

— Очиғи, фестивалнинг Гран-Присини қўлга киритамиз, деб ўйламагандик, — дейди "Ўзбекфильм" киностудияси томонидан суратга олинган "Қор қўйнида лола" фильмининг муаллифлари — ёш киноижодкорлар Аюб Шаҳобиддинов ва Ёлқин Тўйчиев. — Йигирма олтита фильм ичидан айнан бизнинг фильмимиз совриндор бўлиши кутилмаган совға бўлди.

— Мен фильмни Бахмал тоғларида суратга олдим, — дейди "Энг яхши талабалик иши" соврини эгаси, "Тилга киролмаган юрак" қисқа метражли фильми муаллифи, Маннон Уйғур номидаги Тошкент давлат санъат институтининг 4-босқич талабаси Музаффар Эркинов. — Ёш киноижодкорларнинг халқаро фестивалидаги иштироким менга катта сабоқ бўлди.

Фестиваль шартларига кўра Гран-При соҳиби, Чўлпоннинг ҳикояси асосида суратга олинган "Қор қўйнида лола" асари ва унинг ижодкорлари Францияда ўтказилажак кинофестивалда иштирок этиш имкониятини қўлга киритдилар.

**Мавжуда ХОЛМАТОВА,**
**"Халқ сўзи" мухбири.**
**СУРАТЛАРДА: «Қор қўйнида лола» фильмидан лавҳалар.**



*Ёшлигида онаси, бувисининг тез-тез касалланишидан изтироб чеккан Матлубахон "Улғайсам албатта шифокор бўламан", дея астойдил ният қилганди. Орзусига етди. Эндиликда малакали мутахассис сифатида пойтахтимиздаги 1-шаҳар клиник шифохонасининг неврология бўлимини бошқармоқда.*

*— Шифохонага оғир аҳволда олиб келишганди, — дейди қибрайлик Султонмурод Норимов (суратда). — Матлубахоннинг қўли енгил экан, ҳозир соғлиғим анча тикланди...*

*Бундай дил сўзлари албатта ҳар бир шифокор учун катта рағбат ҳисобланади.*

**СУРАТДА: Матлубахон Нурмуҳамедова беморни кўздан кечиряпти.**

**Даврон АҲМАД олган сурат.**







*«Бухоро ёғ» ОАЖ кузатув кенгаши шуни маълум қиладики, акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши 2004 йил 1 июнда эмас, балки 2004 йил 21 июнь куни соат 17.00 ўтказилади.*

Абдулла Қодирий номидаги Тошкент давлат маданият институти ректорати Халқ ижодиёти кафедраси мудири, профессор С. Йўлдошевага падари бузруквори
**Назир ота ЙЎЛДОШЕВнинг**
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Акциядорлик Тижорат Турон банки бошқаруви ва жамоаси банкнинг Кредитлаш бош бошқармаси ходими Дилдора Носировага онаси
**Дилором НОСИРОВАнинг**
вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

«Олмалиқ тоғ-металлургия комбинати» ОТАЖ жамоаси комбинатнинг иқтисод ишлари бўйича раҳбари Э. Қўлдошевга онаси
**Анжил ая ЖЎРАБОЕВАнинг**
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент Кимё-технология институти раҳбарияти, касаба уюшмаси Саноат экологияси кафедраси доценти Хурсана Раҳимовага акаси
**Иброҳим ҲАМДАМОВнинг**
вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.



**Халқ сўзи**
**Народное слово**

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

**Бош муҳаррир Аббосхон УСМОНОВ**

Таҳрир ҳайъати: Э. Болиев (масъул котиб — «Халқ сўзи»), П. Дюгай, Ш. Жабборов (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»), Л. Кучеренко (масъул котиб — «Народное слово»), М. Миралимов, С. Муҳиддинов, Ш. Ризаев, А. Саидов (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»), М. Сафаров, И. Ўтбосаров, А. Ҳайдаров, Ў. Ҳошимов.

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55; Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.*

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган.
Буюртма Г —669. 28754 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган.
Қоғоз бичими А—2
Газета IBM компьютерида терилди ва операторлар Жамшед Тоғаев ва Баҳодир Файзиев томонидан саҳифаланди.

Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.
[Т]-Тижорат материали

● МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — У. Файзиева.
Навбатчи — С. Дониёров.
Мусаҳҳиҳ — М. Ёқубова.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. Босишга топшириш вақти — 21.00 Топширилди — 23.00 1 3456